КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 9-noyabr • Payshanba • 133 (27.624) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**• 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**



**Суратда:** *А.Каримов ва ҳамшира Т.Ёдгорова.*
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## ШИФОКОРЛИК — ЖАСОРАТ

Дард билан олишаётган бемор ёнида сабр-тоқат ила кунларни тунларга улаган, жисмдан кўчмоқчи бўлган жонни умид ва ишонч билан асраб қолишга уринган, энг машаққатли, энг масъулиятли касб эгалари — бу шифокорларимиздир.

Врач жамиятнинг энг фахрли кишиси бўлиши керак, деган фикр ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайди. Таъбир жоиз бўлса, шифокор ва муаллимни миллатнинг икки қўлига қиёслаган бўлардим. Бири халқни маърифатдан баҳраманд этса, иккинчиси соғлом миллат жонкуяридир.

Ҳазрат Алишер Навоий айтадилар: *«Табиб ўз фанида моҳир ва тажрибали, беморларга шафқатли, очиқ юзли, юмшоқ сўзли, хушмуомалали бўлиши керак. Шафқатли табиб чиқадиган жоннинг жасаддан ажралишига моне бўлади. Табибнинг юзи — касалнинг кўнглига маҳбуб, сўзи — беморнинг жонига марғуб, нафаси — дармонсиз, нимжонларга даво, қадами касалларга шифодир...»*

Шифокорлик касби ҳақида ўйлаганимда, унинг ҳақиқий фидойилари олдида қарздор эканлигимиз кўнглимдан ўтади. Мана шундай муқаддас ишни ўз қисмати деб билган, таъбир жоиз бўлса, ёниб яшаётган тиббиёт ходимлари номини кенг жамоатчиликка етказиш, улардан ўрнак олиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

**Асомиддин КАРИМОВ — Каттақўрғон туман марказий шифохонаси болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлигини тиклаш бўлими мудири.** Бутун ҳаётини болалар саломатлигини сақлашга бағишлаган оддий инсон. У 1938 йилда туғилган. 1966 йилда Тошкент тиббиёт институтини тугатган. Шундан сўнг Каттақўрғон туман марказий шифохонасида ўз фаолиятини бошлаган.

— Очиғини айтадиган бўлсам, салкам 50 йил давомида мен учун энг муҳим масала, бу болалар соғлиғи бўлиб келган, — дейди **Асомиддин Каримов.** — Ўтган йиллар давомида бирор марта бўлсин танлаган касбимдан афсусланмаганман. Ҳамиша одамларга кераклигимдан фахрланаман. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, мен Каттақўрғондан етишиб чиққан биринчи болалар шифокориман. Иш бошлаган кезларим туманда етти нафар олий маълумотли врач бор эди. Ҳозир эса 207 та. Мен ярим асрдан буён тиббиёт соҳасини бевосита кузатиб бораётган бир инсон сифатида ҳеч қачон медицинага бу қадар эътибор берилганлигини кўрмаганман. 1998 йилда Президентимиз раҳбарлигида тиббиётда бошланган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Айниқса, мамлакатимиз раҳбари томонидан имзоланган қонунга кўра, ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни этиб белгиланиши биз шифокорларни янада руҳлантириб юборди. Биргина Каттақўрғон туманида кейинги икки йил давомида 10 та ҚВП қурилди. Тумандаги 16 йилдан бери битмаётган марказий шифохона биноси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 650 млн. сўм маблағ ажратилди. 120 ўринли янги шифохонага 80 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олинди. 25 млн. сўмга қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар келтирилди. Қисқа вақт ичида 3 та «Дамас» тез ёрдам машинаси берилди. Туманнинг Қўшҳовуз, Лайлакхона қишлоқларидаги ҚВПлар, 30 ўринли ҳомиладор кам қон аёлларни соғломлаштириш маркази ҳам ишга тушиш арафасида. Мен мустақиллик берган, бераётган имкониятлар ҳақида ўйласам, кўз олдимга ўтган асрнинг 70-йилларида марказий шифохонанинг болалар бўлимини минг азоблар билан ташкил қилганимиз, ҳашар йўли билан бино қурганимиз гавдаланади.

Бугун мен фаолият кўрсатаётган бўлимда врачларимиз билан ёнма-ён қўли енгил ҳамширалар Ойдинисо Очилова, Хайринисо Искандарова, Хадича Ҳамдамова, Зулфия Шодиева, Манзура Қобиловаларнинг меҳнатларини ҳам алоҳида эътироф этмоқчи эдим. Улар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бугун замон ўзгарди. Одамларга муносабат ўзгарди. Буни биргина бизнинг туман мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда яна бир гап. Мана шу хайрли ишлар бошида турган туманимиз ҳокими Пирмат Ўсаровнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. У киши нафақат қишлоқ хўжалиги, балки тиббиёт, халқ таълими соҳаларида ҳам вилоятга, қолаверса, республикага ўрнак бўладиган ишларга бош-қош бўлмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни яқинлашиб келаётган касб байрами билан табриклайман...

Донишмандлардан бири айтган экан: *«Беш нарса шаҳарни безайди: ғолиб ҳоким, одил қози, обод бозор, моҳир шифокор ва азим дарё»...*

**Маъмуржон МАҲМУД,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**• ЎзХДП ҳаёти**

## ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ МАФКУРАСИ

### партия электорати сиёсий эътиқодининг пойдевори, деб таъкидланди Бухорода бўлиб ўтган дастлабки ўқув машғулотларида

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси ҳайъати «Ўзбекистон Халқ демократик партиясида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарор асосида яқинда Бухоро вилоят партия кенгашида дастлабки ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, ХДПдан сайланган вилоят кенгашлари депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, ижтимоий шерикчиликдаги ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева «Ўзбекистон ХДПнинг сўл сиёсий платформаси ва унга хос ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия сиёсий мафкураси» мавзуида маъруза қилди.

Нотиқ мафкуравий ишларни олиб боришнинг услуб ва йўллари, уни кўпроқ аҳоли истиқомат жойларига кўчириш яхши самара беришини алоҳида таъкидлади.

Биз ўқувлар ҳақида тингловчилар фикрини билишга ҳаракат қилдик.

— Партия Марказий Кенгашининг ушбу йўналишда қабул қилган қарори ниҳоятда зарур, — деди Пешку туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Дилбар Қўчқорова. — Чунки партиямиз электорати барча қатламлари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормасдан туриб, дастурий мақсадларга эришиб бўлмайди. Негаки, онги, билими, савияси юқори кишигина партия ғояларини одамлар қалбига етказа олади. Бу ўқувларда асосан сифатга эътибор қаратилса яхши бўлар эди.

— Мафкуравий иш ва вазифаларни бажаришда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ҳам муҳим роль ўйнашини эсдан чиқармаслик керак, — деди Бухоро шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова. — Ҳар бир машғулотда партиянинг ўз дастурий мақсадларини изчил амалга оширишга ундовчи кўргазмали воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилинса — унда самара бўлади.

— Тўғриси, биз бу машғулотдан кўп нарса олдик, — деди вилоят касб-ҳунар коллежлари бошқармаси ходими, партиямиз фаоли Шуҳрат Исматов. — Мафкуравий ишда ҳамиша изланиш ва ташаббускорлик керак. Афсуски, айрим партия маҳаллий ташкилотлари юқоридан кўрсатма кутишга кўникиб қолишган. Бунга барҳам беришимиз лозим.

Машғулот сўнггида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши ҳамда партиянинг «Фаол аёллар» қаноти томонидан ЎзХДПнинг 15 йиллиги ва Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда Сирғали туманидаги маҳаллалар фаоллари, тиббиёт ходимлари ва партия аъзолари иштирок этдилар. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева йиғилганларни қўшалоқ байрам билан табриклаб, партиянинг ўз электорати манфаатлари учун олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди.

Тадбирда тиббиёт ходимлари фаолларидан бир гуруҳи Халқ демократик партиясининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА**

## ЗАМОНАВИЙ СИЁСАТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «давра суҳбати» **«Замонавий сиёсатда аёлнинг ўрни ва роли»** мавзуига бағишланди.

«Давра суҳбати» Урганч шаҳри ҳамда вилоятнинг чекка Гурлан тумани хотин-қизлари даврасида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти аъзолари, маҳаллий ҳокимлик вакиллари, жамоат ташкилотларининг фаол хотин-қизлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, вилоят бошқарув органлари масъуллари, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

«Давра суҳбати»да хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ куннинг долзарб масалалари кўтарилди, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар кўлами, юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими хусусида қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилиб, баҳс-мунозаралар бўлди.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон ХДП Марказий Ке[illegible] масъул ходими Салта[illegible] ҳитдинова иштирок этди[illegible] қишлоқ аёлларининг турмуш шароити, жойларда аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан бевосита танишди, кам таъминланган оилаларга партия кенгаши совғаларини топширди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган фаол аёлларга Фахрий ёрлиқлар, янги партия билетлари ҳамда партия вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## «ДУНЁ ОМБУДСМАНЛАРИ» ТЎПЛАМИ НАШРДАН ЧИҚДИ

*Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллиги арафасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан тайёрланган «Дунё омбудсманлари» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган ушбу тўплам конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасидаги билимларни бойитиш, халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан алоқаларни янада кенгайтириш, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини чуқурлаштириш ва ёшларни тарбиялашда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова бошқарган мазкур тадбирда парламент Омбудсмани институти фаолиятининг узвий қисми аҳоли орасида инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-маърифат йўналишидаги ишларни олиб бориш экани таъкидланди. Бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича материалларни чоп этиш ва тарқатиш муҳим аҳамият касб этади. Шуни таъкидлаш жоизки, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан тайёрланган ушбу нашр олтинчи китоб бўлиб, у мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигига бағишланган.

Китобдан омбудсман тузилмалари дунёнинг 120 дан ортиқ давлатида мавжудлиги, ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида миллий ҳамда минтақавий институтлар ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро тармоқлари доирасида фаолият кўрсатаётгани ҳақида билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотлар шафелигида ташкил этилган омбудсманлар ҳам бор. Дунёнинг 50 дан ортиқ давлатида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар ёки шунга ўхшаш органлар муваффақиятли ишламоқда. Демократия шаклларининг турфалиги омбудсманлар фаолияти кўлами ва ихтисослигини кенгайтиришни талаб қилади.

Тақдимот маросимида қайд этилганидек, ушбу тўпламдан Европа, Шимолий ва Жанубий Американинг 20 дан ортиқ мамлакати, Австралия омбудсманлари, олимлари ва амалиётчиларининг материаллари, шунингдек, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти шаклланишининг асосий босқичлари, унинг ҳудудий органлари фаолияти, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни акс эттирувчи тажриба жой олган.

Китобда назарий мақолалар, амалий тажриба тўғрисидаги ахборотдан ташқари Омбудсман ҳақидаги янги қонун, чет эл омбудсманлари, чунончи Россия, Швеция, Озарбойжон, Польша, Литва ва Словакия омбудсманлари билан тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар матнлари ҳам бор.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**• «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

## «БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИДИР»

*Шундай сарлавҳали мақолада (2006 йил 28 сентябрь) ўйинчоқларнинг фарзандларимиз тарбиясида тутган ўрни ҳақида мулоҳаза юритилиб, сифатли миллий ўйинчоқлар тайёрлаш тарбия омили эканлигига эътибор қаратилганди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:*

«Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида «Ўзбекистон овози» газетасида «Болалар ўйинчоқлари тарбия воситасидир» сарлавҳаси остида чоп этилган мақола ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасида Тошкент шаҳрида болалар ўйинчоқлари сотиладиган дўконлар, бозорлар ва бошқа савдо шохобчаларида мониторинг ўтказилиб, гигиеник сертификатлар бор-йўқлиги ўрганилди. Текширилган аксарият дўконларда маҳсулот сертификати борлиги аниқланди. Гигиеник сертификати бўлмаган ўйинчоқлардан лаборатория таҳлили учун ҳар хил турдаги 136 та намуна олинди. Лаборатория текширув натижалари шуни кўрсатдики, 136 та намунадан 12 таси санитария қоида ва меъёрларига жавоб бермайди.

Санитария қоида ва меъёрларига жавоб бермаган ўйинчоқ маҳсулотларини тақиқлаш қарори асосида дўконларда сотилиши маън этилиб, чора кўрилди.

**Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Б.ҚУРБОНОВ».**

## СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Навоий шаҳри ва Кармана туманида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида шу йилнинг январь ойида Дашт-Нагорний канали қурилиши бошланган эди. Узунлиги 12,8 километрлик каналнинг ҳозиргача 8 километрдан ортиқ қисми қуриб битказилди. Зарафшон дарёсидан секундига икки кубометр сув етказиб бериш қувватига эга ушбу иншоот қурилишини «Навоий сув таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти амалга оширмоқда.

Канал тўлиқ ишга тушгач, Навоий шаҳри ҳамда Кармана тумани аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шу билан бирга Қодир Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги ва Ибн Сино номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида 1,5 минг гектар ерни ўзлаштириш имконияти яратилади.

**Ё. УМАР,**
**ЎзА мухбири**

### «ОБУНА — 2007»

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — бу Сизнинг газетангиз!**

2006 ЙИЛ давомида кўплаб долзарб мавзуларда чиқишлар қилган, келгуси йилда ҳам одамлар дилидаги гапларни айтишни режалаштирган газета!

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва сўллик позициясидан келиб чиқиб, ижтимоий муаммоларга энг кўп эътибор қаратадиган, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қиладиган газета.

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — бу Сизнинг овозингиз, Сизнинг газетангиз!**

*Агар келгуси йилда ҳам газетамизда ўзингизни қизиқтирган ёки кўпчиликни ўйлантириб келаётган мавзулардаги таҳлилий, танқидий, мулоҳазали мақолаларни, суҳбатларни ўқишни истасангиз, дунёда бўлаётган жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлишни хоҳласангиз*

***2007 йил учун газетамизга обуна бўлинг!***

**Нашр индекси: 220**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ – BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
*Хизматлар лицензияланган*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
*Хизматлар лицензияланган*

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
*Хизматлар лицензияланган*

● Футбол

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВ

**2007 йили ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш босқичининг сўнгги ўйинида мамлакатимиз футболчилари Қатар терма жамоасига қарши майдонга чиқади**

Жаҳон футболи тарихида илк маротаба тўрт мамлакатда уюштирилаётган навбатдаги Осиё чемпионати финал босқичининг барча иштирокчилари номи 15 ноябрь куни маълум бўлади. Мусобақа низомига кўра, мезбонлар — Таиланд, Малайзия, Индонезия ҳамда Вьетнам терма жамоалари Осиё кубогининг саралаш баҳсларидан озод қилинган. Улар қитъа чемпионати финал босқичида тўғридан-тўғри қатнашадилар. Бундан ташқари, саралаш учрашувларида муваффақиятли иштирок этаётган Саудия Арабистони, Япония («А» гуруҳи), Жанубий Корея, Эрон («В» гуруҳи), Уммон, БАА («С» гуруҳи), Австралия («Д» гуруҳи), Хитой, Ироқ («Е» гуруҳи) ҳамда Қатар («F» гуруҳи) терма жамоалари ҳам қитъамизнинг ушбу мусобақаси йўлланмасини муддатидан илгари ҳал қилишган. Агар Осиё чемпионатида 16 терма жамоа иштирок этишини назарда тутсак, гуруҳ баҳсларининг сўнгги турида қолган икки жамоа номи аниқланади. Бу икки йўлланма учун эса «Д» гуруҳида Қувайт ва Баҳрайн, «F» гуруҳида эса Ўзбекистон ҳамда Сяньган (Гонконг) терма жамоалари кураш олиб боришмоқда.

Мутахассислар «Д» гуруҳида қувайтликларнинг имкониятини юқори баҳолашяпти. Уларга Манамада ўтадиган охирги ўйинда Баҳрайн билан дуранг кифоя қилади. Аммо биринчи даврада Ал-Қувайтда очко бўлишган баҳрайнликлар бу гал фақат ғалаба учун майдонга тушишига ишонч билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Гуруҳдаги вазият эса қуйидагича кўриниш олган:

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Австралия | 4 | 3 | 0 | 1 | 7-3 | 9 |
| Қувайт | 3 | 1 | 1 | 1 | 2-2 | 4 |
| Баҳрайн | 3 | 0 | 1 | 2 | 1-5 | 1 |

Мамлакатимиз миллий терма жамоаси қатнашаётган «F» гуруҳида беш учрашувнинг барчасида ғалаба қозонган Қатар футболчилари юз фоизлик натижа билан кейинги босқич йўлланмасини муддатидан илгари қўлга киритган. Гуруҳдаги иккинчи йўлланма учун Сяньган ва Ўзбекистон футболчилари даъвогарлик қилаётган бўлса-да, бу борада вакилларимизнинг имконияти юқори. Охирги турда Ўзбекистон — Қатар, Сяньган — Бангладеш терма жамоалари ўзаро баҳс юритишади. Унда ҳамюртларимизни дуранг натижа ҳам қаноатлантиради. Бешинчи турдан сўнг гуруҳ жадвали қуйидагича кўриниш олган:

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Қатар | 5 | 5 | 0 | 0 | 14-2 | 15 |
| Ўзбекистон | 5 | 2 | 2 | 1 | 12-4 | 8 |
| Сяньган | 5 | 1 | 2 | 2 | 3-7 | 5 |
| Бангладеш | 5 | 0 | 0 | 5 | 1-17 | 0 |

Ўзбекистон терма жамоаси 11 октябрь куни бешинчи турда Дакка шаҳрида Бангладеш футболчилари меҳмони бўлганди. Шундан бери орадан бир ой вақт ўтди. Аммо вакилларимиз 15 ноябрь куни Тошкентда қатарликлар билан ўтадиган ўйин олдидан биронта ҳам ўртоқлик учрашувида майдонга тушишмади. Шунга қарамай, терма жамоа бош мураббийи Валерий Непомнящий ўз шогирдлари ғалабасига ишонч билан қарамоқда. Эртадан бошланадиган тайёргарлик машғулотларига россиялик мутахассис қуйидаги йигирма тўрт нафар футболчини жалб қилаётир:

**Дарвозабонлар:** Тимур Жўраев, Игнатий Нестеров (иккаласи ҳам «Пахтакор»дан), Александр Лобанов («Суғдиёна-2004»).

**Ҳимоячилар:** Андрей Фёдоров («Рубин», Россия), Виталий Денисов («Спартак» НН., Россия), Асрор Алиқулов, Владислав Кирьян, Александр Клецков, Ислом Иномов, Илҳом Суюнов («Пахтакор»), Алексей Николаев («Актобе», Қозоғистон).

**Ярим ҳимоячилар:** Леонид Кошелев («Шинник», Россия), Виктор Карпенко («Қайрат», Қозоғистон), Марат Бикмаев («Рубин», Россия), Илёс Зейтулаев («Женоа», Италия), Сервер Жепаров, Темур Копадзе, Ринат Байрамов, Элдор Магдеев («Пахтакор»).

**Ҳужумчилар:** Максим Шацких («Динамо», Украина), Анвар Солиев («Пахтакор»), Улуғбек Бақоев («Тобол», Қозоғистон), Павел Саломин («Трактор»), Александр Гейнрих («Торпедо», Россия).

Ўзининг ишончсиз хатти-ҳаракати билан охирги ўйинларда «Шинник» (Ярославль, Россия) жамоаси асосий таркибидан жой ололмаган дарвозабон Евгений Сафонов ўтган турдагидек, бу гал ҳам Валерий Непомнящий эътиборидан четда қолди. Шунингдек, «Урал» (Екатеринбург, Россия) футбол клуби ҳимоячиси Владимир Радкевичнинг жароҳати ҳали битмаганлиги туфайли терма жамоанинг мазкур учрашувида майдонга туша олмайди.

Эслатиб ўтамиз, Дохада ўтган Қатар — Ўзбекистон терма жамоаларининг илк ўйинида мезбонлар 2:1 ҳисобида зафар қучишганди.

**Эркин ХОЛБОБО**



# «ПАХТАКОР»НИНГ НАВБАТДАГИ «ДУБЛ»И

Кеча футбол бўйича 2006 йилги Ўзбекистон кубоги соҳиби аниқланди. Пойтахтимиздаги Марказий «Пахтакор» стадионида уюштирилган ҳал қилувчи учрашувда мамлакат XV миллий чемпионатида муддатидан олдин чемпионликка сазовор бўлган «Пахтакор» жамоаси Муборакнинг «Машъал» футболчиларига қарши тўп сурди.

Пахтакорчиларнинг тўлиқ ташаббуси остида кечган мазкур ўйинда 2:0 ҳисоби қайд этилди. Тўпларни Ринат Байрамов, Уче Ихеруомелар киритди.

Агар муборакликлар Ўзбекистон кубогини қўлга киритишганида, келгуси йили Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишарди. Аммо пахтакорчиларнинг ҳам чемпионат, ҳам мамлакат кубоги баҳсларидаги ғалабаси энди ўз-ўзидан мавсумнинг кумуш медали соҳибларига ана шу имкониятни туҳфа этади. Бундай бахт кимга насиб этаркин — «Нефтчи»гами ёки «Насаф» жамоасига?! Буни 11 ноябрда ўтказиладиган 30-тур ўйинларидан сўнг билиб оламиз.

Ёдингизда бўлса, «Пахтакор» жамоаси ўтган йили ҳам худди шундай қўшалоқ ғалабани қўлга киритганди.

● Билиб қўйган яхши

# ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНИНГ

Кеч куз ҳам бошланди. Ҳадемай изғиринли кунлар забтига олиши табиий. Албатта, ҳар биримиз бундай кезларда ўзимизни шамоллашдан эҳтиёт қиламиз. Чунки, барча дарднинг боши шамоллашдан, деган нақл бор. Шунинг учун ҳам оқилона ебичиш, вақтида дам олиш, кун тартибига риоя қилиш билан бундай нохушликларга чап бериш мумкин. Борди-ю шамоллаб, тумов хуруж қилса қуйидаги тавсияларга риоя этишга ҳаракат қилинг.

○ *Шамоллашнинг дастлабки белгиларини сезганда ярим стакан сувга 5-6 томчи йод томизиб ичинг. Кўкрак ва курагингизга «горчичник» ёпиштириш яхши наф беради. Яна икки стакан хўжағат ва асалли қайноқ чой ичиш фойдалидир. Кейин иссиқ кўрпага ўралиб ётинг. Оёғингизга «грелка» қўйсангиз янада яхши. Яхши уйқу, бироз терлашдан кейин эрталаб ўзингизга келиб қолганингизни ҳис этасиз.*

○ *Борди-ю иссиғингиз кўтарилса, олма сиркасини сувга 1:20 нисбатида аралаштириб, ана шу суюқликка сочиқни хўллаб, тизза, ёки қорин қисмига қўйиш фойда беради.*

○ *Ҳароратингиз жуда юқори кўтарилса, тузланган бодрингни бўйига иккига бўлиб пешона ва товонга қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, янги карам япроғи ёки унинг тузланганини докага солиб, сувини чиқариб, пешона ва чаккангизга қўйсангиз ҳам бўлади.*

○ *Шамоллашнинг олдини олиш учун 2/3 тоза спиртни шунча сувда аралаштириб ҳар куни уч маҳал томоқни овқатланишдан олдин ғар-ғара қилиш фойда бериши амалда кўрилган.*

○ *Шамолламай десангиз, пиёз билан олмани тенг миқдорда олиб, майда қирғичдан ўтказиб, шунча асалга қўшиб кунига 2-3 маҳал уч чой қошиқдан тановул қилиш тумов ва томоқдаги оғриқни даф этади.*

○ *Тумов чоғида керосинга намланган латтани оёқ тагига қўйиб, жунли пайпоқ кийиб, ўралиб ётиш ҳам яна тикланиб олишга имкон беради.*

**Хорижий манбалар асосида тайёрланди**

● Огоҳлик — давр талаби

# МУҲОФАЗА — МУҲИМ МАСАЛА

## Бунинг учун тажриба алмашиш, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур

***Чирчиқ шаҳар ФВБ етакчи мутахассиси Фурқат Қўрғонбоев шу йилнинг август-сентябрь ойларида «JICA» халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган ФВВ тизими бўйича республика миқёсидаги танлов ғолиби сифатида Япония мамлакатида бир ойлик «Табиий офатлар хавфини камайтириш сиёсати» малака ошириш курсини ўтаб қайтди. Қуйида унинг сафар таассуротлари билан танишасиз.***



Машғулот пайти

— Аввало «JICA» ташкилоти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. У Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги бўлиб, ривожланаётган мамлакатларга илм-фан, таълим, маданият, иқтисодиёт, бошқарув тизими ва бошқа соҳаларда жаҳон стандартлари талаблари асосида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишда амалий ёрдам кўрсатади.

Малака ошириш курсининг мақсади Япония хукуматининг «Табиий офатлар хавфини камайтириш сиёсати»ни ўргатиш бўлиб, бу иш Осиё табиий офатлар хавфини камайтириш маркази (ADRC) илмий ходимлари томонидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш тартибида ташкил этилди.

Японияда йилига йигирма мингдан ортиқ зилзила, улар оқибатида юзлаб катта ва минглаб кичик сел оқимлари ҳамда кўчкилар рўй бериб туради. Бундан кўринадики, мамлакатга бундай офатларга қарши тура оладиган тизим, куч ва воситалар даркор. Бундай тизим эса ишлаб чиқилган ва фаолияти йўлга қўйилган.

Бизга Япония ҳукуматининг фавқулодда вазиятлар рўй бергандаги ҳаракатларидан бири 6400 нафар одамни нобуд этган, 1 600 000 та уйни вайронага айлантирган кучли «Хансин-Авадзи» зилзиласи (1995 йил 17 январь Кобэ шаҳри) мисолида тушунтириб берилди. Биз Тачикава шаҳридаги гиперқутқарув бригадаси, авиация-қутқарув ва ёнғин хавфсизлиги отряди фаолияти билан бевосита танишдик. Бу бригада ва авиация-қутқарув отряди Япония ҳудудидаги йирик ва чет элларда содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун жалб этилади. Гиперқутқарув бригадаси турли хилдаги махсус қутқарув техникалари ва оғир муҳандислик техникалари билан таъминланган.

Японияда 1971 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида зилзиладан муҳофаза қилиш бўйича ўқув машқлари ўтказиш одат тусини олган. Уларда ўз-ўзини муҳофаза қилиш кучлари, полиция, ўт ўчириш хизмати, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қўшганда 10 млн. дан ортиқ одам иштирок этади. 10 сентябрь куни бизни ҳам Осака префектурасида ўтказилган «Осака префектураси тезкор штабининг зилзила рўй бериши ва унинг натижасида содир бўлган цунами оқибатларини бартараф этишдаги ҳаракатлари» мавзуида ташкиллаштирилган машқларни кузатишга таклиф этишди. Бу машқда ҳаммаси бўлиб, уч минг нафарга яқин фуқаро, Денгизда хавфсизликни таъминлаш бошқармасининг 2 та кемаси ва 2 та вертолёти, турли вазирликлардан яна 8 та вертолёт, 100 дан ортиқ ҳар хил махсус автотранспорт ва муҳандислик техникалари жалб этилди.



Япония. Кобэ шаҳри

Бу ўлкада аҳолини муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш мактабнинг бошланғич синфларидан бошланади. Биз фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича мутахассисларни тайёрловчи Кобэ шаҳридаги Майко махсус юқори тайёргарлик мактабида бўлдик. Бу ўқув масканини тугатгач, ўқувчиларнинг 20 фоизи ёнғин хавфсизлиги академияси, педагогика ва тиббиёт институтларида шу соҳа бўйича таҳсилни давом эттирадилар. Японияда барча ўқув муассасалари камида 9 баллик сейсмик бардошга эгадир. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда мактаб стадионлари эвакуация йиғиш пунктлари сифатида, бинолари эса уй-жойсиз қолган аҳолининг вақтинча яшаб туриши ҳамда енгил жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади. Шунингдек, аҳолини ўқитиш учун Кобэ шаҳрида зилзила музейи, Авалзи оролидаги зилзила эпицентрида вайроналар музейи, Нишиномия шаҳрида кўчки музейлари фаолият кўрсатади.

Малака ошириш курси якунида тантанали маросим бўлиб, унда «JICA» халқаро ташкилоти директорининг ўзи бизга битирув сертификатларини топширди ва хайрлашув кечаси уюштирилди. Кечада асосан ўзбек миллий тароналарининг янграши японларнинг ўзбек халқига бўлган ҳурматини яна бир бор тасдиқлади.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат сафаримиз биз учун ғоятда самарали бўлди. Фавқулодда вазиятлар соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш учун айнан шу мамлакатнинг танланиши бежиз эмас. Биз японияликлар билан бу йўналишда ҳамкорликни давом эттириб, улардаги илғор тажрибаларни ўзлаштириб, ўз мамлакатимизда татбиқ этамиз. Зеро, инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш энг асосий масала.

**Анвар ДАВЛЕТОВ ёзиб олди.**


БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ**

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ БИЛАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**«Пахтакор туманидаги ғазначилик биносини қайта таъмирлаш»**

Қурилишни туғаллаш муддати: 120 кун.

**Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй. Телефон: (8372) 226-06-81, 226-40-78.**

***Қурилиш ишларини молиялаштириш Республика Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини танлов ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин:

**Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача. Телефон/факс: (8372) 226-14-66, 226-05-42.**

***I пакет ҳужжатларнинг нархи — 10000 сўм.***

Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳужжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳужжатлар қуйидаги манзилда очилади:

**Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.**

***Танловдан (иккинчи босқичга) ўтган оферентлар учун танлов II пакет ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 50000 (эллик минг) сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан соат 9.00 дан 18.00 гача Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 426-хонада қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

*Таклифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.*



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO`SJONOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Matnazar ELMURODOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Sobirjon TUNG`ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.***
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1350
*7112 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 00.15
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda